



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 183 (13.516)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг таклифига биноан 5 сентябрь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди.

Бишкек, 5 сентябрь.
ЎзА махсус мухбири Абу Бакир ҲОЗОВ хабар қилади.

Бишкек шаҳридаги "Манас" халқаро аэропортида мамлакатимиз Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарини Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев кутиб олди. Икки давлат байроқлари билан безатилган аэропортда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олди-дан ўтдилар.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик янада бойиб, ўзаро алоқалар сезиларли равишда фаоллашди. Давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифи амалга ошди.

Халқларимиз азалдан бир дарёнинг икки қирғоғида, яқин қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз умимий, маданий ва диний қадриятларимиз муштарак, анъана ва урф-одатларимиз ўхшаш. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, "Халқларимизнинг қони бир, тили бир".

Бишкек шаҳридаги Ала-Арча қароргоҳида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари, мамлакатларимизнинг чегараолди ҳудудлари алоқаларини фаоллаштириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Президентимиз Қирғизистон Республикаси Президентига самимий қабул ва Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди. Халқларимиз ўртасида тарихан шаклланган қардошлик ва аҳил қўшничилик муносабатларини юксак қадрлаймиз. Айнан манша шу муносабатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Алмазбек Атамбоев Шавкат Мирзиёевни Қирғизистонга давлат ташрифи билан қўлгаб, бу икки давлат ўртасида олий даражадаги мулоқотларнинг мантаний давоми, томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қўлай имконият эканини таъкидлади. Икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари музокарали расмий делегациялар иштирокида давом эттирилди.

Музокараларда икки ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси асосий йўналиш сифатида устуворлик касб этади. Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг ўтган йил декабрь ойида Самарқандга ташрифи бугунги мулоқотларга дебоча бўлиб, музокара-лар "Самарқанд учрашуви руҳи" асосида давом эттирилди.

2017 йилнинг ўтган даврида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 60 фоиз ўсди.

Учрашувда Президентлар сув ресурсларидан давлатларимиз умумий манфаатларида мос равишда оқилона фойдаланиш борасида ҳам келишиб олди.

Икки давлат раҳбарлари аввалги мулоқотларида минтақада самарали транспорт йўлларини ривожлантириш, Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа масофали темир йўл барпо этиш бўйича музокара-лар олиб борган эди. Бу галги учрашувларда унинг ҳуқуқий асосларини яратишни жаддалаштириш бўйича келишиб олинди.

Қисқа вақт ичида ҳудудларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Қирғизистоннинг Боткент, Жалолобод, Ўш вилоятлари вакиллари Қирғизистон шаҳрига, Ўзбекистон делегациясининг Ўш шаҳрига ташрифи амалий натижалар таъсирини берди.

Президентимиз шартномавий мажбуриятларни амалга оширишда изчил татбиқ этиш мақсадида чегараолди ҳудудларда Ҳокимлар кенгаши тузишни таклиф қилди.

Икки давлат ўртасида маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорлик, дўстлик ва қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, жорий йил февраль ойида Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек мусиқали академик драма театрининг Фарғона водийсига ижодий сафарини, июнь ойида эса Мукимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри жамоасининг Ўш, Ҳаган, Аравон, Новкат, Корасув, Жалолобод шаҳарларига ижодий сафарини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон кўмағида Ўш шаҳрида қурилаётган умумтаълим мактаби халқларимиз дўстлигининг ёрқин на-

мунаси бўлди. Мазкур мактаб замонавий ўқув жиҳозлари ва анжомлари, дарсликлар, бадиий адабиётлар билан таъминланади.

Жорий йил октябрь ойида Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2018 йил Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Шарқ тараоналари" халқаро мусиқа фестивалида Қирғизистон вакиллари муваффақиятли иштирок этиб, иккинчи ўринни кўлга киритди.

Бугун Ўзбекистонда 300 мингга яқин қирғиз милли-таги мансуб юртдошларимиз истикомат қилади. Уларнинг ўз маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. 6 та қирғиз миллий маданий маркази фаолият кўрсатмоқда, 56 мактабда таълим қирғиз тилида олиб борилади.

Музокаралар ўзаро муносабатлар изчил ривожлани-ётгани ва устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ эканини ёрқин намоян этди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот ва Ўзбекистон - Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартнома имзоладилар. Андижон ва Ўш, Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида, икки давлат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Солиқ қўнунчилигида риоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида, Минтақаларо ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро, илмий-техникавий ҳамкорлик, Олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Чегарадош минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича 2017-2019 йилларга мўлжалланган қўшма тadbирлар режаси, Парламентларо ҳамкор-лик тўғрисидаги меморандум ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва амалий руҳда ўтганини, эришилган тарихий келишувлар Ўзбекистон Қирғизистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишларда фракциялар аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини қўриб чиқдилар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари Е.Турсунов маъруза қилди.

Унда таъкидланишича жорий йилнинг 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тармоқлар ва ҳудудларда мавжуд муаммолар, камчиликларни бартараф этиш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида белгиланган устувор вазифалар изчил амалга оширилиши ўз самарасини бермоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 7,0 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,6, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,8, чакана савдо айланмаси 11,1 фоизга ўсди.

Фракция аъзолари мамлакатимизда барқарор ва замонавий ишлаб чиқариш ва миллий маҳсулотлар экспорт қўламини орттириб бораётгани, аҳоли харид қўбилишининг тобора фаоллашаётгани ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишига хизмат қилаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Бу каби комплекс чора-тадбирлар натижасида 2017 йил биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетни тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан бажарилган. Инфляция даражаси эса белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмаган.

Йиғилишда Давлат бюджетни харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги таъминланиб, партиянинг мақсадларига ҳамоҳанг тарзда фан, таълим, маданият ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ижобий баҳоланди.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари партия сайловолди дастурида кўзда тутилган Давлат бюджетининг ижроси билан боғлиқ қатор масалаларга эътибор қаратди.

Жумладан, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, солиқ қўнунчилигида кўзда тутилган имтиёз ва преференциялардан мақсадли фойдаланиш, бюджетларро муносабатларни янада такомиллаштириш, бюджетдан ажратилаётган маблағларни самарали сарфлаш каби масалалар юзасидан таклифлар билдирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган устувор вазифаларни изчил рўйбга чиқариш, хусусан Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносиблигини таъминлаш, солиқ юкчини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва шу каби бошқа чора-тадбирлар 2017 йил биринчи ярим йиллигида ўз аксини тоғгани таъкидланди.

Йиғилишда Давлат бюджетни даромад қисмининг ижросига тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, 2017 йил биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетни даромадлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,6 фоизга ўсди, белгиланган режа 101,6 фоизга бажарилди.

(Давоми 2-бетда)

БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари бошқармаси Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлини маси директори Р.Коменда бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ташрифдан мақсад инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкор-ликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг жорий йил 16 июндаги қўшма қарори билан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режасида белгиланган тадбирларни биргаликда амалга оширишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлини маси 2008 йилда Бишкек шаҳрида очилган бўлиб, унинг фаолияти Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни қамраб олган.

Минтақавий бўлини маси Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича стратегия, дастур ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти, жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар салоҳиятини мустаҳкамлашда ҳукуматлар, ҳукуматларро ташкилотлар, фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва БМТ шериклари билан ҳамкорлик қилиш билан шуғулланади.

Демократик маконни кенгайтириш, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари самардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро норма ва стандартларни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлашга қўмаклашиш масалалари 2014-2017 йиллардаги фаолиятнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Бўлини маси ҳукуматлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва фуқаролик жамиятининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, жумладан, одил судловни таъминлаш, қийноқларнинг олдини олиш масалаларига доир тадбирлар ўтказмоқда.

Делегация ташрифи давомида вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Адвокатлар палатасида учрашувлар мўлжалланган. Шунингдек, ташриф доирасида делегация аъзоларининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари билан учрашиш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида биринчи босқич курсантлари 1 сентябрь - Мустақиллик куни Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осийишталиги йўлида фидойилик билан хизмат қилишга қасамёд қилди. Тантанали тадбирда Ички ишлар вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, курсантларнинг ота-оналари ҳамда қариндошлари иштирок этди.

Ватан ҳимояси - муқаддас бурч

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самардорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинлик-лари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қўлайитириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш борасида амалга ошири-лаётган ишлар қўламини кенгайтирди.

Ички ишлар вазирлиги академияси соҳа учун етук мутахассис ва раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида юқори нуфузга эга олий ўқув юрталаридан хисобланади. Бу ерда таълим жараёни замонавий давлат таълим стандартлари, ахборот ва илм-педогогик технологияларни қўллаган ҳолда намунавий ўқув режалари асосида олиб бори-лимоқда.

— Қўтлуғ сана — 1 сентябрь куни қасамёд қабул қилиш биз учун катта шараф ҳам масъулиятдир. — дейди курсант Ҳусниддин Дадарбоев. — Ватанимиз тинчлиги ва осий-



БИР КУНИ

мурилло НАСРИЕВ, ЎзА мухбири



Барча манбалардан олинган сўнги жаба-рлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда "Маърифат тарғиботчилари" жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш масалаларига бағиш-ланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда мамлака-тимизда амалга оширилаётган ислохотлар, дав-лат дастурлари, қонун ҳужжатлари, фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, дунёда юз бераётган мураккаб ге-о-сий ва гоёвий-мафкураларий жараёнларнинг мақ-сад ва мазмунини ёшларга тушунтириш, терро-

ризм, акидапарастлик, одам савдоси, "оммавий маданият" ва бошқа таҳдидларга қарши самара-ли кураш олиб бориш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

• Оқдарё туманида "Муштарий Оқдарё" масъу-лияти чекланган жамиятининг тикувчилик фабри-каси иш бошлади. Мазкур лойиҳани амалга оши-риш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий бан-ки Самарқанд вилояти филиалининг 1,2 миллион долларлик кредити ва ҳамкорларнинг 1 миллиард 200 миллион сўм маблағи йўналтирилди. Корхона йилга 10-12 миллион дона болалар ва ўсмирлар кийим-кечаги тикиш қувватига эга бўлиб, унинг иш бошлаши билан 350 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг 130 нафари касб-хўна-р коллежи битирувчиларидир.

• Наманган вилояти Чуст туманида уй-жойга мухтож, имконияти чекланган фуқароларнинг бир гуруҳига янги барпо этилган кўп қаватли арзон уйлардан хонадонлар қалити тантанали равишда топширилди. Тумандаги Сабзозор массивида бар-по этилган икки қаватли, 64 хонадонли турта уй

фойдаланишга топширилишига бағишланган тад-бирда вилоят, туман ҳокимликлари, давлат ва жа-моат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчи-лик иштирок этди. Қучли ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни ҳар то-монлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсати-нинг устувор йўналишларидан экани таъкидлан-ди.

ЖАҲОҢНДА

• Владивосток шаҳрида жаҳоннинг 55 мамла-кати вакиллари иштирокида Шарқий иқтисодий форум ўз ишни бошлади.

• Кабардин-Болқориянинг Эльбрус тоғларига чи-қиш йўлидаги Баксан дарасида қучли селнинг оқиқатлари бартараф этилиб, вайрон бўлган йўллар тўлиқ тикланди. Ҳозирда бу ерда қутқа-рувчилар томонидан табиий офат натижасида бе-дарақ йўқолган икки нафар кишини қидириш иш-лари давом этмоқда.

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат бюджетининг харажатлар бўйича ижроси ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетининг харажатлари ижроси аҳоли бандлиги ва реал даромадларни изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани қўллаб-қувватлаш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби бюджет параметрларида белгиланган асосий йўналишларга қаратилди.

Йўналишда маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар харажатларини республика бюджетига ўтказиш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятининг 7 та туманини тўлиқ, шунингдек, мамлакатимизнинг 27 туман (шаҳар)ларини субвенциядан чиқаришга эришилгани алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йўналишда депутатлар Давлат бюджетининг харажатлари ижросида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратди.

Ҳисоботда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси даромадлари 21,4 миллиард сўм, харажатлар 21,1 миллиард сўмни ташкил этгани қайд этилган.

Маълумки, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шунга қарамайдан, депутатлар мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни ҳамон қониқарли, деб бўлмаслигини қайд этди.

Депутатлар фикрича, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар қўтилган натижани бермаётир.

Ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш талаб этилиши бўйича таклифлар билдирилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг таълим олиши ва ишга жойлашишда ҳар томонлама кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиш бўйича қатор таклифларни билдирди.

Фракциялар йўналишларида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи қўллаб-қувватланди.

Улғурбек АСРОРОВ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ МОСКВАДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Текстильлегпром – 2017" халқаро ярмаркасида ўзбекистонлик тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тадбиркорлик ва саноат изчил қўллаб-қувватланаётгани натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ортиб бормоқда. Ишбилармонларимизнинг нуфузли халқаро кўргазма-ярмаркаларда фаол иштирок этаётгани Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотларни ташқи бозорда намойиш этиш, хорижий компания ва фирмалар билан истиқболли шартномалар тузиш имконини бермоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектла-

рининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси алоҳида ўрин эгалламоқда.

"Текстильлегпром – 2017" халқаро ярмаркаси текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида энг сўнгги ютуқлар намойиш этиладиган ўзига хос платформа ҳисобланиб, унда соҳанинг етакчи компания ва фирмалари иштирок этади. Бу йилги ярмаркада Ўзбекистон, Хитой, Ҳиндистон, Бангладеш, Германия, Италия, Польша, Нидерландия, Португалия, Болгария, Туркия, Корея Республикаси, Беларусь, Қирғизистон каби 28 мамлакат вакиллари қатнашган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғар-



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларга қулай шароит яратиш, турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги куннинг устувор масалаларидан бирига айланган.

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ҳўш, бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, бизнесни ташкил қилиш ва юритишда кўмак бериш, сифатли давлат хизматларини тақдим этиш, бизнес-муҳитини такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларга чиқишига ёрдам бериш борасида нималар қилинмоқда? Шу ва бошқа саволларга Савдо-саноат палатаси томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил маълумот бериб ўтилди.

Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида ташкил қилинган 15 та ҳакамлик судлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 700 дан ортиқ ишлар кўриб чиқилди. Судларга тақдим этилган шикоят

аризаларининг тўқсон фоизи қаноатлантирилди.

Тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида республика бўйлаб улардан келиб тушган олти мингдан ортиқ мурожаатнинг беш мингга яқини кўриб чиқилди.

Палата томонидан тадбиркорлик тузилмалари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг сифатини тубдан ошириш борасида ҳам ишлар олиб борилаётган. Германия ҳукуматининг молиявий кўмагида амалга оширилаётган "Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури" доирасида 18 нафар ишбилармон мазкур давлатга малака ошириш учун юборилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш, миллий

брендларни хорижда фаол илгари суришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда сўнгги икки ой мобайнида 122 тадбиркорга хориждаги халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш имконияти тақдим этилди.

Маҳаллий ва хорижий инвестицияларни, шунингдек, замонавий технологияларни жалб қилиш мақсадида Савдо-саноат палатаси томонидан чет эл капитални иштирокида озиқ-овқат, савдо ускуналари, қурилиш моллари ва текстил маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган олтига қўшма корхонани ташкил этишда ёрдам кўрсатилди.

Тадбир давомида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

маси "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда 40 га яқин тадбиркорнинг мазкур ярмаркада иштирок этишига кўмаклашди. Кўргазма қатнашчилари Ўзбекистон миллий тендида мамлакатимизнинг текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасидаги салоҳияти ва имкониятлари, таклиф этилаётган хизматлар билан танишди.

Ярмарка доирасида Ўзбекистон компаниялари нуфузли фирма ва компаниялар билан соҳада ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришга келишиб олган. Тадбиркорларимиз томонидан хорижий шериклар билан 146 миллион долларга тенг экспорт шартномалари имзоланган.

Мазкур халқаро кўргазма мамлакатимиз компания ва корхоналари учун турли давлатлардан келган ишбилармонлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш, мавзудларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ўз маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар имзолаш учун қулай имконият бўлди. Бу мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалтириш ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини оширишга хизмат қилади.

ЎЗА

муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланган. Жазони ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилган бўлишига қарамайдан айбдорлар томонидан спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, тақиқланган вақтда, яъни тунда яшаш жойини тарк этиш ҳолатлари бир неча бор қўзғатилган. Шу боис сайёр суд мажлисида уларга тайинланган жазонинг қолган қисmini озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Бугунги сайёр суд мажлисида ахлоқ тузатиш ишлари тарихида жазони ўтаётган, муайян ҳуқуқлардан маҳрум ва озодликдан чеклаш жазосига ҳукм қилинган бир гуруҳ фуқаролар ҳам иштирок этмоқда, дейди Шайхонтохур туман ички ишлар бошқармаси бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Дониёр Раҳматов. – Бундан мақсад, ўзини яхши томонлама кўрсатаётган айбдорлардан жазонинг қолган қисми олиб ташланаётганлиги ёки белгиланган тартиб-интизомларга бўйсунмаганларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланаётганини кўрсатиш ва тўғри йўлдан адашмасликларини тушунтиришдан иборат.

Абдували СОДИКОВ

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, халқнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари ва дарду ташвишларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

"Одамлар дардини тинглаш, ҳаёт даражасини кўтариш — асосий мақсадимиз" мавзусидаги маънавий-маърифий йўқлов тадбири энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишланди.

Нуроний отахону онахонлардан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам қўлини чўзиш халқимизга хос эзгу анъаналардан ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон ХДП марказий кенгаши мафкура ва тарғибот бўлими бошлиғи Нилуфар Йўлдошева. — Бугун биз хонадонларга кириб, юртдошларимизнинг яшаш шароити, муаммолари билан қизиқдик. Одамларнинг ҳаёт даражасини яхшилашга қаратилган режаларимизни белгилаб олдик.

"Фидойинг бўлганди сени, Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган тадбирда партия масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларида иборат гуруҳ аъзолари Учтепа туманидаги Учтепа ва Қўқсарой маҳаллаларидаги кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олди.

Г. БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири

МАҚСАД — УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

Республикаимизда 6,5 млн. истеъмолчи электр энергиядан фойдаланади. Унинг 6,2 миллиони аҳоли бўлса, 300 мингга яқинини улгуржи истеъмолчилар ташкил этади. Ҳар йили ишлаб чиқариладиган электр энергияси ҳажми 60 млрд. кВт соатдан ортиқ бўлиб, шундан ГЭСлар орқали 6,5 млрд. кВт соат ёки умумий қувватнинг 10 фоизи, электр станциялари орқали умумий қувватнинг 90 фоизи ишлаб чиқарилади.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан "Мустақиллик йилларида аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар ва муаммолар" мавзусига бағишланди.

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ўринбосари Жаҳонгир Обиджоновнинг маълум қилишича, истиқлол йилларида мамлакатимизда электр энергия соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб, Ўзбекистон энергия манбаалари бўйича ўзини-ўзи тўлиқ таъминлайдиган давлатга айланди. Олиб борилаётган амалий ҳаракатлар ўз навбатида истеъмолчиларнинг электр энергияси билан барқарор таъминланишига, энергетика тизими фаолиятининг янада мустаҳкамланишига, шу билан бирга республикаимиз электр энергиясининг экспорт салоҳиятини оширишга замин яратди.

Бугунги кунда "Ўзбекэнерго" АЖ республика истеъмолчиларини 258 минг кмдан ортиқ 0,4-500 кВтли электр тармоқлари, 1670 га яқин юқори қўланишли подстанциялар ва 72 мингдан ортиқ 6-10 кВтли трансформатор пунктлари орқали электр энергия билан таъминламоқда, — дейди "Ўзбекэнерго" АЖнинг электр тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улғурбек Ҳақимов. — Рақамларга таяниб фикр юритганда, мустақиллик йилларида электр энергияси истеъмолчилари икки ярим барқарорга ошган. Соҳада бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Мисол учун, юқори қўланишли электр узатиш тармоғини Фарғона водийсига, Қамчиқ доғини орқали 167 км. узунликда минг мВт орқали "Ўзбекистон" подстанциясини қуриб битказиб, ишга туширдик, бу билан водий аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имкони ошди. Сурхон воҳаси истеъмолчиларини электр энергияга бўлган талабини тўлиқ қондириш ва экспорт кўрсаткичларини ошириш мақсадида "Ғузор – Сурхон" электр узатиш тармоғи қурилиб, ишга туширилди.

Мустақиллик йилларида энергетика тизимини ишончли ва барқарор ишлатишни таъминлаш мақсадида бир ярим минг кмдан ортиқ 500 кВтли электр узатиш тармоқлари қуриб ишга туширилди. Булар, "Сирдарё – Сугдиёна", "Талимаржон – Сугдиёна", "Сирдарё – Янги Ангрён" иссиқлик станциялари орғалидаги электр тармоқларидир. Шу билан бирга Самарқанд вилояти саноат корхоналари, Ўзбекистон темир йўллари электрлаштириш ва Навоий тоғ-кон металлургия комбинати объектлари учун 63 мВт бўлган икки трансформаторли "Иштихон" подстанцияси, Чўпонота подстанцияси ишга туширилди. Қашқадарё вилоятида нефть-газ, Деҳқонобод калий заводи ва темир йўл объектларини электрлаштириш учун "Пашкамат" подстанцияси, Тошкент шаҳри истеъмолчиларининг электр таъминотини янада ошириш ва ишончилигини таъминлаш мақсадида қуввати 400 мВт ампер бўлган "Келес" подстанцияси ишга туширилганлигини айтиб ўтмоқ жоиз.

Матбуот анжуманида салмоқли ишлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

У белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилгани, ахлоқий жиҳатдан иш жойида яхши таассурот қолдиргани, оиласидаги тинчлик ва фаровонлиқни таъминлаб келаётганлиги боис Шайхонтохур туман суди томонидан ўтказилган сайёр суд мажлисида тайинланган жазонинг ўталмай қолган 1 йилу 10 ой муддати олиб ташланди.

Бағрикенглик, кечиримлилик, ёшларга ва адашганларга тўғри йўл кўрсатиш, билиб-билмай хато қилганларни жазосидан ўттиш халқимизга хос бўлган энг яхши фазилатлардан биридир. Бу бугун миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Адашиб, жиноят кўчасига кириб қол-

ган фуқароларимиз кечирилиб, уларнинг бандлиги таъминланмоқда. Жамиятга мослашиш, фаровон ҳаёт кечиришига кўмаклашилмоқда.

– Хар ким қилмишига яраша жазо олади, менга ҳам қилган айбимга кўра жазо тайинланган эди, — дейди И.Бахтиёров. — Шукрки, хатоларимдан ўз вақтида хулоса чиқариб, тўғри яшашга, ҳалол меҳнат қилишга интилдим. Давлатимизга минг раҳмат, бизга ўхшаб қилмишидан пушаймон бўлганларни кечириб, яна бир бор имконият бермоқда. Энди ноҳўя ишлардан йироқ бўлиб, фарзандларимга яхши тарбия беришга, уларни жамиятга керакли инсонлар қилиб ўстиришни мақсад қилдим.

Хато қилиш инсонга хос ҳислат, ўша хатолардан тўғри хулоса чиқариб, уни қайта тақорламаган одам эса албатта муваффақиятга эришади, деган эди донишмандлардан бири. Дарҳақиқат, бу ҳаётда ҳаммамиз ҳам хатolikларга йўл қўямиз, нотўғри ишларга қўл урамиз. Ораимизда шундай одамлар борки, улар қилмишларидан ўзлари учун тўғри хулоса чиқармайди. Берилган имкониятлардан унумли фойдаланмайди.

Эргаш Абдумаликов ва Габдулнур Хошимовлар ана шундайлардан. Улар муқаддам бир неча бор судланган. Жорий йилнинг июль ойида қилмишларига кўра Э.Абдумаликовга 1 йил муддатга, Г.Хошимовга эса 3 йил

Ахборот-коммуникация технологиялари

“Электрон ҳукумат” тизими яратилгани мамлакатимизда фуқаролик жамияти янада ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омилардан бири бўлди. Бу тизим давлат ташкилотлари, бизнес ва фуқаролар ўртасидаги муносабатнинг самарали механизми шаклланиши, талаб юқори бўлган янги интерактив давлат хизматларини ишлаб чиқишга замин яратди. Бу давлат ахборот тизимларини қўллаб-қувватлайдиган Ягона интегратор ёрдамида мазкур тизим тараққиётини янги босқичга кўтарди.

ЯГОНА ИНТЕГРАТОР АКТ СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

“Электрон ҳукумат” тизими идораларо алоқанинг қўллаб механизмидаги тақомиллаштириш, давлат муассасалари ва компаниялар фаолиятида электрон ҳужжат алмашиш кўламини кенгайтириш, ахборот тизимларининг янги ихтисослаштирилган мажмуаларини жорий қилиш каби қатор муҳим босқичлардан ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 августдаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори бу жараёни тизимли равишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра, ушбу ҳужжатга биноан АКТ соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш тизимида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилган. Хусусан,

“Uzinfocom” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий қилиш маркази базасида давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор ташкил этилган.

Янги ташкилот зиммасига ахборот тизимлари, “Электрон ҳукумат” тизимидаги захира ҳамда дастурий таъминот маҳсулотлари, иктисодиёт соҳасидаги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш, уларнинг жорий қилиниши ва интеграциясини таъминлаш, шунингдек, тегишли лойиҳавий ва техник ҳужжатларни тайёрлаш вазифаси юклатилган. Айни пайтда давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор аҳоли ҳамда бизнесга тақдим этилаётган давлат электрон хизматлари сифатини тақомиллаштириш, маҳаллий АКТ бозори ва “Электрон ҳукумат” тизими лойиҳаларини амалга тат-



биқ этишга маҳаллий корхона ва ташкилотларни жалб қилиш йўли билан дастурий маҳсулотлар тармоғини ривожлантиришни рағбатлантириш билан ҳам шуғулланади. У, шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизими, ахборот тизимлари, давлат ташкилотларининг захира ва дастурий таъминот маҳсулотлари, корхона ва ташкилотлар инфратузилмасининг технологик хавфсизлигини таъминлайди. Ягона интегратор идораларо электрон мулоқотнинг ахборот тизими ва тармоқларини жорий этиш, давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бозорининг Ягона миллий ахборот тизими фаолияти доирасида ахборот алмашиш имконини беради.

Юқори технологик хизматлар ва маҳсулотлар кўламини халқаро талабларга мос равишда кенгайтириш орқали маҳаллий АКТ бозори ва дастурий маҳсулотлар тармоғининг экспорт салоҳиятини ошириш давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор зиммасидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу нафа-

қат янги маҳаллий юқори технологик маҳсулотлар, балки янги иш ўринлари яратиш имкониятини ҳам беради. Ягона интеграторга тегишли лицензия ҳамда ружсат этиш характериға эга ҳужжатларсиз телекоммуникация соҳасида фаолият юритиш ва ўқув курслари ташкил этиш ваколати берилган. Шунингдек, Ягона интегратор лойиҳавий ва техник ҳужжатларни тайёрлаш бўйича пудрат ва субпудрат ишларини амалга ошириш бўйича ҳужжалик субъектлари билан шартнома тузиш, ахборот тизимлари, захираси ҳамда дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига ҳам эга.

Шу тарафдан давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор “Электрон ҳукумат” тизимининг янада тараққий этиши, давлат ташкилотлари томонидан аҳоли ҳамда бизнесга тақдим этилаётган интерактив хизматлар сифатини ошириш, маҳаллий дастурий таъминот саноати ривожланишига хизмат қилади.

Роман БОНДАРЧУК

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

2017-2018 ўқув йили бошланиши муносабати билан 2-Тошкент юридик коллежида тадбир бўлиб ўтди. Унга бу йил ўқишга қабул қилинган ота-оналар ва фарзандлари таклиф этилди.

Учрашувда сўз олганлар юридик коллежнинг имкониятлари, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида фикр юритдилар.

— Мазкур йили коллежimizга 816 нафар ўқувчини қабул қилдик, — дейди 2-Тошкент юридик коллежи директори ўринбосари Акрам Тошқулов. — 1 босқичда 27 та гуруҳ ташкил этилди. Янги ўқув йилига катта тайёргарлик кўрилди. Бугун ота-оналарни йиғиб, мавжуд шароитлар билан таништирдик. Коллежimizга кириб-чиқиш учун СМС – турникет мосламаси ўрнатилган бўлиб, коллеж ҳудудида видео-кузатув камералари ишлайди.

— Манзура Маҳмудоваман, Акбаржон Маҳмудовнинг онасиман. Иккита қизим, битта ўғлим бор. Катта қизим ҳамшираликни битирди. Акбаржон 2-Тошкент юридик коллежига кирганидан хурсандман. Бу ердаги шароитлар билан танишдик. Ўқувчилар учун ҳамма шароитлар бор. Ахборот ресурс маркази, кенг ва ёруғ синфхоналар, турникет хизмати барчаси болажонларimiz учун муҳайё қилинган.

Тадбирда ота-оналар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ш.ЗОКИРОВ

Бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки пойтахтимизда кўплаб саноат зоналари ташкил этилмоқда. Улардан бири “Яккасарой кичик саноат зонаси” давлат унитар корхонасидир. Мазкур ҳудудни айланар экансиз, ранг-баранг маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлик субъектларига дуч келасиз. Бир тарафда бир-биридан кўркем либослар эътиборингизни тортса, бир тарафда она еримиз бағридан зувала олган Тошкент чинилари ҳаёлингизни ўғирлайди. Қўлингизга олиб, чертсангиз нафис жарангидан олам-олам завқ оласиз.

ОНА ЕР БАҒРИДАН ЗУВАЛА ОЛГАН

Ана шундай ажойиб санъат намуналари (2014 йилда) хитойлик чини ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликда ташкил этилган “Zhong Cheng Ceramics” кўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Хориждан киритилган инвестиция эвазига миллий ва замонавий дизайн ўйғунлигида ишлаб чиқарилаётган рақобатбардор икки юздан зиёд турдаги чини идиш ва эсдалик буюмлари сифати борасида устуворликка эришмоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидида дилерлик шохбчалари ва савдо нуқталари фаолияти йўлга қўйилган корхонада эллиқдан зиёд иш ўрни яратилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ушбу тармоқни янада тарққий эттириш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолини арзон ва сифатли халқ истеъмоли моллари билан узлуқсиз таъминлашда юксак самаралар бераётди.

— Маҳсулот тайёрлашда Хитой технологиясини танлаганимиз бежиз эмас, — дейди тадбиркор Набижон Йўлдошев. — Биласиз, бу кун чинилари азалдан бутун дунёда маълум машҳур. Маҳсулоти — ўзимизда импорт ўрнини босувчи ана шундай маҳсулотлар тайёрлашни тўла ўзлаштиришдир. Президентимиз ҳам биз билан мулоқотда маҳаллийлаштиришга алоҳида уруғ берган эдилар. Шу боис Хитойдан янги технология харид қилдик. Унинг кўмагида “3D” кўринишдаги гуллари бўртби турчуви чинилар ишлаб чиқарамиз. Натижада ана камиди бешта иш ўрни яратилди. Айни пайтда турли ҳудудлардан катнаб ишлайдиган қўлларимизни ётоқхона билан таъминлаш чораларини кўраёмиз.

Корхонада чини буюмларга зарли безак бериш ўзлаштирилгани ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хариддорлигини янада орттиришда қўл келмоқда. Ишчилар тайёрлаётган турли номдаги ва кўринишдаги маҳсулотларни кўриб, тадбиркордан бозордаги турли нархдаги чини буюмлар орасидан энг сарасини танлаш учун нимага эътибор қаратиш лозимлигини сўраймиз.

— Сифатли чини идишни қўлга олганда дарҳол сезилади, у нозик ишланган бўлади, — дейди тадбиркор. — Масалан, аёло даражада ишланган фингонга чой қўйилганда унинг фақат ичимлик қўйилган қисмигина қайноқ ҳолга келади. Тутқич эса қизиб кетмайди. Маҳсулотни харид қилишда унинг ташқи кўринишига эътибор қаратиш керак. Мисол учун, чиннига чизилган бўёқлар нафис бўлмаса ёки сифатсиз бўёқлардан фойдаланилганда унинг ранги тез ўчиб кетади. Турли доғлар, дарз кетганлиги, шакли нотўғрилиги сезилса, демак бундай чинилар сифатсиз ҳисобланади. Яна бир гап. Сифатсиз ва паст ҳомишдан тайёрланган идишлар дағал ва қўлга олганда оғир бўлади. Агар қолипи нотўғри бўлса, коса ва пивалар устма-уст қўйилганда уларнинг мос тушмаслигини кўриш мумкин. Шундай ҳолда, нима харид қилишдан қатъий назар эътиборни бўлиб.

Келгусида маҳсулот таннархини арозонлаштириб, яна эллик турдаги чини буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Корхона икки бозорда ўз ўрнини топган бўлса-да, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турини янада кўпайтириш ҳамда хориқга экспорт қилиш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Зиёда ВОХИДОВА

ҲУШЁРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Пойтахтимиздаги “Green Park” истироҳат боғида одам савдосига қарши курашишга бағишланган акция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар “Истикболли авлод” ижтимоий-ахборот маркази ва Сергели тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жомат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ҳам аҳоли, айниқса, ёшларни одам савдосидан огоҳ этишдир.

— Одам савдоси глобал микёсдаги оғир жиноят бўлиб, одамларни ҳуқуқидан, эркинлигидан, ўзига бўлган ишончидан маҳрум этиб, уларнинг орзу-умидларини йўққа чиқаришга, ҳаётини барбод этишга қаратилган, — дейди Тошкент шаҳар “Истикболли авлод” ижтимоий-ахборот маркази директори Нодира Каримова. — Ҳар йили минглаб одамлар, ҳатто болалар бу жиноятдан жабр кўради.

Иштирокчиларга марказ томонидан одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, марказнинг “Долзарб алоқа тармоғи” фаолияти, одам савдосидан жабрланганларга кўрсатилган ижтимоий ёрдам, интернет тармоғидан хавфсиз фойдаланиш йўллари ҳақида тушуна берилди.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошлангич нарх босқичма-босқич олиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 4 сентябрдаги 138к-ПО буйруғига асосан аукцион савдоларига “ДРК спорт-соғломлаштириш маркази” ДУК балансидаги, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Қурувчи кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган профилактик биноси қўйилмоқда. Бошлангич нархи – 3 813 579 282,28 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 9 октябрь кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уйда ўтказилади. Аукцион савдоси шу кун билиб ўлмаган тақдирда, тақрирӣ савдолар 2017 йил 24 октябрь, 8 ва 23 ноябрь, 8 ва 25 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича солиқлик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотиш шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат актив бошлангич нархининг 15 фоизи (572 036 893 сўм)дан кам бўлмаган миқдорда, Савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қўйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АЙТБ “Ипак йўли” Савбон филиали, х/р: 20208000204920609019; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомалар билдириш-нома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва бил-

диришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошлангичдан уш соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел/факс (0-371) 233-54-96. Лицензия: РР 0001. Электрон почта: tieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 2013 йилда Қўлатова Наргиза Уроқовна номига берилган В№667229-сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Олмазор тумани 1-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини битирган Газиева Нафиса Исхонковна 1965 йилда берилган №154436 рақамли шаходатнома ҳамда №087527 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТИНЧЛИГИМИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Тошкент ҳарбий округи ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Мирзо Улуғбек тумани кенгаши ҳамкорлигида “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Л.Бузруков, Ёшлар иттифоқи Мирзо Улуғбек тумани кенгаши раиси Ш.Олимов ва бошқалар истиқлол йилларида армиямиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида миллий армиямизни профессионал асосда шакллантириш, қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ҳамда техника билан таъминлаш, ҳарбийлик касбининг нуфузини оширишга эришилди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда замонавий талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этаётгани барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш ҳамда эришаётган муваффақиятларимизда Қуролли Кучларимизнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Зеро, истиқлол йилларида соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлигининг ишончли қафолатига айланди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий округида фидо-корона хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийлар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Ш.МАМАТУРОВА

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари иштирокида ўтган тадбир соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг ижроси самарадорлигини таъминлаш, ушбу соҳада депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш масалаларига бағишланди.

Танқидий-тахлилий руҳда ўтган семинарда Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия ва вазирлик олдида турган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исmoilов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Шодмонов ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли саломатлиги йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар кўламини ҳусусида сўз юритди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил сентябрдан бунён соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилишга қаратилган 1 та фармони, 16 та қарори ва 10 та фармойиши қабул қилинди. Семинарда мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда баҳарлилиш лозим бўлган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни малакали кадрлар билан тўлдириш, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш натижасини яхшилаш масалалари иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Шунингдек, ягона давлат ва идоравий ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Миллий биобиёт стандартлари реестрини юритиш, унда янги стандартларни қайд этиш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг халқаро сифат менежменти тизими талаблари ва бошқа халқаро стандартларга мувофиқлиги таъминлашни жадаллаштириш лозимлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, камчилик ва муаммолар, уларнинг ечимини юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳусусида аҳолининг хабардорлик даражаси, яъни тизим фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш масалалари ҳам семинар иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 12 июль кун Олий Мажлиси палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тиббиёт соҳасида самарали парламент назоратини ўрнатиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилган эди. “Ишонч телефонлари”га фуқаролар томонидан бўлаётган кўплаб шикоят ва мурожаатлар Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Комиссия томонидан қўрилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш талаб этмоқда.

Моҳигул КОСИМОВА,
ЎЗА муҳбири



Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ТҮРТЛИКЛАР

Хаёт билан ўлим ораси,
Кўздан чиққан киприк жоласи.
Умр бунча узун деб билар,
Билолмам бу одам боласи?..

Културм сув ичгунча ўтган фурсатда,
Қолмоғинг мумкинди абад гурбатда.
Росту ёлгон аро чалғима, Махмуд,
Кўз юмиб очмоқ ҳам асли ҳикмат-да!

Дейсан, омад осмондан тушар,
Гоҳ рост, гоҳи ёлгондан тушар.
Тилинг билан дилинг вобаста,
Ҳақдан келган фармондан тушар.

Кўзгу қўлингдасиз, ҳаргиз тушмагай,
Орзу дилингдасиз Худо ҳушлагай.
Муродинг меҳнатнинг меваси бўлса,
Барака борингдан маҳкам ушлагай.

Дема, булут қолиб, осмон кетгуси,
Рост яшар, бадарға ёлгон кетгуси.
Кўхна ҳақиқатнинг ҳикмат шуки,
Осон топган обрў осон кетгуси.

Кун билан тун сирлашиб яшар,
Ошиқлардек тиллашиб яшар.
Юлдуз бўлиб тунда гуллашса,
Кўёш бўлиб нур ташиб яшар.

Шеърни осон ёзиб бўлмайди,
Шеърни ёлгон ёзиб бўлмайди.
Ёлгон билан қоғоз тўлар-у,
Шоир бўлсанг кўнглинг тўлмайди.

Кўнгил кўзи билан боққил оламга,
Кўнгил сўзи ила ёққил одамга.
Румий ҳазратлари айтмиш, бандаси,
Кўнгил кўзи билан етгай Эгамга.

Дилини чокидан сўқади шоир,
Дардини қоғозга тўқади шоир.
Ҳар сўзи ғойибнинг ҳукмидан келса,
Ҳар ҳарфнинг хитобин уқади шоир.

Дуо бу – ҳуш тилак дуридан тугун,
Дуо ол, камол топ, кўкаргин, унгин.
Дуо ижобатин кўрмоқ истасанг,
Кел болам, эзгулик измида юргин.

Кўёш тирикликни қутлаб чиқади,
Қаро тун камолин бутлаб чиқади.
Сен фақат уйғонгин, армонда қолма,
Фафлатда ётганни ҳатлаб чиқади.

Яшиллик энг аввал ерни яйратар,
Кўзларга кўрк бериб, дилни яйратар.
Кейин насибадир борки жонзотга,
Оллоҳга эланган элни яйратар.

Гоҳ қайгу, гоҳ қувонч кўша келади,
Гоҳ сокин, гоҳида жўша келади.
Бошингни минг тошга урганинг билан,
Такдирда не бўлса ўша бўлади.



Узгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
7 сентябрь кунини вақти
вақти билан ҳаво ўзгариб
туради, ёғингарчилик
бўлмайди. Фардан секун-
дига 5-10 метр тезликда
шамол эсади. Ҳарорат ке-

часи — 16-18, кунду-
зи — 30-32 даража
иссиқ бўлади.
Узгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотида кўра,
7 сентябрда Тошкент шаҳ-
рининг об-ҳаво шароити
шаҳар ҳаво муҳитида за-
рарли моддаларнинг бир оз
тарқалиб кетишига имко-
ният яратмади, инфосланиш
даражаси паст бўлади.

НАЗМ ВА НАВО ЖИЛОЛАРИ

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижодкор зиёлилар билан ўтказган учрашуви ҳамда "Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросига бағишлаб санъаткорлар билан ижодий мулоқот бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз раҳбарининг ижодкорлар олдига қўйган вазифаларни бажариш, композиторлар, бастакорлар ва музикашуносларни бадий баркамол ва етук асарлар яратишга жалб қилиш алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, ижодкорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалаларга алоҳида урғу берганликлари барчани қувонтирди. Уюшманинг Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари деб номланиши профессионал ижодкорлар учун алоҳида аҳамият касб этиши ҳақида етакчи ижодкорларимиз Феликс Янов-Яновский, Мустафо Бафоев, Дилором Сайдаминанова, Дилором Омонуллоева, музикашунос олим Ота-назар Матёкубов томонларидан таъкидланди. Жумладан, мазкур қарор орқали ижодкорларга янгидан-янги шароитлар яратиб берилаётганлиги эътироф этилди.

— Бизнинг ватанимизда ижод аҳлига маънавий ҳурмат, ишонч ва

эътибор қаратилмоқда. Бу биз учун катта бахт, катта илҳом қанотларидир. Шу билан бир қаторда бу катта масъулият ҳамдир, — дейди ўз сўзида таниқли композитор Дилором Сайдаминанова. — Биз, уюшма аъзолари бунга жавобан тинмасдан ижод қилишимиз, Ўзбекистон композиторлик мактабини нафақат республикамиз, балки бутун дунёга танитишимиз даркор.

Тадбирда ёшларга қаратилган давлат сиёсати, уларнинг ижод билан самарали шугулланишлари учун имкониятлар ва шароитларнинг кенгайтирилиши, маънавий кадрларни замон талаблари даражасида тайёрлаш, чет давлатлардаги таниқли композиторлар ва музикашунослар билан ўзаро таъриб алмашишни йўлга қўйиш масалалари бугунги кунда долзарб эканлигига эътибор қаратилди.

Ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенг жамоатчиликни санъатимиз дурдоналари билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбе-

кистон Республикаси маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳар ойда мунтазам "Музыка, назм ва Ўзбекистон Бадий санъат жилolari" номи остида учрашув-концертларини ўтказиш режалаштирилганлиги, шунингдек, турли жанрларни ўзидан муҳасаса этган "Давр садолари" Республика музика фестивалини ҳар икки йилда мунтазам ўтказиш, композиторларнинг муаллифлик концертларини ташкил этиш, пойтахт ва вилоятлардаги музика ва санъат мактабларида, коллеж ҳамда лицейларда етакчи композиторлар, бастакорлар ва музикашунослар билан ижодий учрашувлар, маҳорат дарсларини ўтатиш асосий мақсад этиб белгиланди.

Тадбирда опера, симфония, оратория, концерт каби мумтоз жанрларни ривожлантириш учун ҳар йили, муайян жанрлар бўйича танловлар ўтказиш, яратил-

ган асарларнинг ижросини таъминлаш ва уларни нашр этиш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, йилнинг охирига қадар симфоник оркестр учун "Увертюра"лар жанри танловини ўтказиш бу йилги муҳим режалардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Халқаро ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон композиторлик ижодиётини чет элга тарғиб этиш, жаҳоннинг етакчи композиторлари, дирижёрлари ва ижрочилари билан ҳамкорлик доираларини кенгайтириш мақсадида 2018 йилдан бошлаб ҳар икки йилда Халқаро симфоник музика фестивалини ўтказиш режалаштирилди.

Уюшмага ҳомий этиб бириктирилган "Асака" акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорлик ишлари бошлаб юборилди. Банк ташаббуси билан "Дўстлик клуби" ташкил этилди. Ҳозирда уюшма биносини таъмирлаш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича жадал ишлар олиб боришмоқда.

Тадбирда уюшма устави номини ўзгартириш бир овоздан маъқулланди. Таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси музика маданияти ривожини, раънақини ва порлоқ келажагини ўқун катта куч ва шижоат билан хизмат қилишга, юрти-миз ва халқимиз ишончини қозонишга маҳкам бел боғлаган.

Муҳайё НАБИЕВА,
музикашунос

Спорт янгиликлари

ФАХРИЙ ШАХМАТЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Мамлакат шахмат федерацияси залида фахрийлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Швейцарча тизимда ўтган учрашувларнинг 9 тур натижаларига кўра бирикчи ўрин Лев Ким, иккинчи ўрин Владимир Владимировга насиб этган бўлса, Валерий Аъзамов кучли учликка яқин ясаб берди. Аёллар ўртасида ўтган беллашувларда эса Нодира Абкелъмова ва Эрни Циганкова мос равишда биринчи ва иккинчи поғонадан жой олишди.

Ғолиб ва совриндорлар Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

"ПАХТАКОР" ЎРТОҚЛИК ЎЙИНИДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Тошкентнинг "Обод" ва "Пахтакор" жамоалари олий лигада юзага келган танаффусдан унумли фойдаланган ҳолда, ўзаро назорат баҳсида майдонга тушди.

Учрашувда ташаббусга эришган "Пахтакор" рақиб дарвозасига 4 тўп киритди. Беллашувнинг 15-дақиқасида Канюк Нуруллаевнинг тўп оширишидан унумли фойдаланиб ҳисобни очди. Биринчи бўлимда бу гол ягоналигини сақлаб қолди.

Иккинчи бўлимда яна Нуруллаевнинг аниқ тўп узатиши дар-

воза ишғол қилиниши билан тугади. Бу сафар Ҳасимов рақиб посбонини доғда қолдирди. Беллашув охирида "Пахтакор" футболчилари яна иккита гол уришди. Яхшибоев ва Тожиёвнинг голлари "Пахтакор"нинг 4:0 ҳисобидаги йирик ғалабасини таъминлади.

Ботир ХҲЖАЕВ

Танловлар

ИҚТИДОРЛИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент фотосуратлар уйида, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, "Sen yolgiz emassan" Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида "Камалак жилоси" болалар расмлари кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда мусаввирлар, санъатшунослар, ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С.Иномов ва бошқалар ушбу кўрик-танлов ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги савий-ҳаракатларга хизмат қилиши, бу борадаги ишларни мустаҳкамлаш билан бирга, миллий тасвирий санъатимизни янада ривожлантириш, унинг бетақдор аъёнларини рағбатлантиришга муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Иштирокчиларнинг икки юзга яқин тасвирий ва амалий санъат намуналари акс эттирилган расмларида она юрт, муқаддас замин, диёримизнинг гўзал табияти, болаликнинг беғубор онлари ҳамда ҳаётимизнинг турли жабҳаларининг моҳирона талқини барчаннинг диққатини ўзига тортиди.

Ҳар бир тасвирдаги ўзига хослик, ранглар уйғунлиги, соғинч ифори уфуриб турган болалик деб аталмиш беозор лаҳзалардаги турли хил тасвирлар томошабинларга бирдай манзур бўлди.

Айниқса, "Тинчлик", "Олим бўлсанг олам сеники", "Бахтли болалик", "Катта оиламиз бахтиёрлиги", "Менинг онам", "Ватанимни севаман", "Шаршара" каби чизгилар эса ёш ижодкорларнинг беқиёс иқтидоридан дарак беради.

Танловда тасвирий санъат йўналишида 4 ёшдан

10 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Хуршид Шарипов, 11-16 ёшли иштирокчилар орасида 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Роман Блохин биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Амалий санъат йўналишида 4-10 ёшли қатнашувчилар гуруҳида 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Андрей Карпушин, 11-16 ёшли иштирокчилар ичида Зоя Кузнецова биринчи ўринга муассар бўлди.

— Танловда биринчи ўринга сазовор бўлишим менга бир олам қувонч бағишлади, — дейди Зоя Кузнецова. — Она Ватанимга муносиб фарзанд бўлиб хизмат қилишни, шахсий кўргазмаларини яратишни ва келажақда ўзимнинг оилам бўлишини, унда болаларим билан бахтли яшашни хоҳлайман ва шунга ҳаракат қиламан...

"Камалак жилоси" болалар расмлари кўрик-танловининг якуний босқичи иштирокчилари тақдим этган санъат асарлари, ўзининг бетақдорлиги, беғуборлиги ва катталар илғай олмаган болаларча беозор туйғуларининг жамланган тасвирлари инсон қалбига ақинлиги билан ажралаб туради.

Тадбир доирасида болажонлар ижросида янграган дилрабо куй ва кўшқлар, дилбар рақслар барчага бирдай ҳуш қайфият бағишлади.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва тақлифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди. Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш қиёфа бўлиб, ушбу аризани кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали ваколатли орган — "Ерғодеэкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г - 935

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4741 нустада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.10